



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ВА СУД ЖАРАЁНИДА ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ТАЙИНЛАБ, ЎТКАЗИШДА ХАТОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдумутал Закурлаев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
университети Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси
профессори ю.ф.д

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7332958>

ARTICLE INFO

Received: 08th November 2022
Accepted: 16th November 2022
Online: 18th November 2022

KEY WORDS

Дастлабки тергов, суд, суд
экспертизаси, хатолар,
экспертиза хулосаси.

ABSTRACT

Мақолада дастлабки тергов ва суд жараёнида суд
экспертизаси хулосасини аҳамияти айрим
хатоларнинг моҳияти ва уларни бартараф этиш
масалалари акс эттирилган. Хусусан,
жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш,
суд муҳокамаси, тергов фаолияти жараёнида ва
эксперт-криминалистика хизматларининг
фаолиятидаги хатолар билан боғлиқ муаммолар
назарий ва ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқни муҳофаза
қилиш органларининг амалиётчи ходимлари
қарашлари билан ёритиб берилган.

Мамлакатимиз истиқдолга эришгач,
мустақил миллий давлатимизнинг
сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий,
маънавий асослари барпо этилди ва
босқичма-босқич мустақамлаб
борилмоқда. Таъкидлаш жоизки,
Ўзбекистон Республикасида суд-
экспертлик фаолиятини
ривожлантиришнинг 2021 — 2025
йилларга мўлжалланган
концепцияси[1] ижтимоий
ҳаётимизнинг барча жабҳаларида,
хусусан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга
оширилган ишлар, улкан янгиланиш ва
ўзгаришлар жараёни кўп жиҳатдан
Президентимиз Шавкат Мирзиёев
томонидан белгилаб берилган, чуқур ва
пухта ўйланган ўзимизга хос ва мос
миллий тараққиёт модели ҳамда унинг
асосида олиб борилаётган кенг кўламли
ислохотларнинг самарасидир.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган
даври мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини
либераллаштириш борасида амалга
оширилган ислохотлар таҳлили
уларнинг қуйидаги устувор
йўналишлари ҳақида фикр юритиш
имконини бермоқда: *биринчидан*,
мамлакатимизда ҳокимиятнинг учинчи
мустақил тармоғи бўлмиш суд
ҳокимиятининг ҳақиқий
мустақиллигини таъминлаш ва унинг
инсон ҳуқуқлари, Конституция ва
қонунлар устуворлигининг чинакам
ҳимоячисига айлантириш, одил судлов
tizimini демократлаштириш;
иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва
эркинликларини ҳимоя қилишнинг
самарали механизмининг таъминлаш,
республикамиз қонун ҳужжатларини
инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро
меъёрлар ва стандартларга мувофиқ



қолга келтириш; *учинчидан*, жиноий жазоларни либераллаштириш; *тўртинчидан*, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиш.

Суд экспертизаларининг барча турлари юридик фанларнинг бир тармоғи сифатида ҳозирги замон талабларига жавоб бериши керак ва шу билан бирга, назария билан амалиётнинг ўзаро боғланишида муҳим ўринни эгаллаши лозим. Суд экспертизаси ўзининг ривожланган замонавий, илмий-техникавий ютуқларига эга бўлиб, жиноят ишлари бўйича адолатни юзага чиқаришда одил судловни демократик асосда тараққий этиб боришда қонунийликни мустаҳкамлайди ва муҳим шарт-шароитларни белгилайди¹. Аммо, таъкидлаш жоизки, суд экспертизаларнинг мавжуд имкониятларига қарамасдан бу соҳада ҳам айрим муаммолар учрайди. Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, суд муҳокамаси, тергов фаолияти жараёнида ва эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятидаги хатолар билан боғлиқ муаммолар назариётчи ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиётчи ходимларининг эътиборини жалб этиб келмоқда. Мазкур масала 1985-1986 йиллардаёқ тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида аниқланган далилларни ва улар бўйича тайинланган экспертиза ўтказишдагидаги айрим хатолар ва бунинг натижасида юзага келадиган

оғир оқибатлар, айниқса ушбу хатоларни вужудга келтирадиган сабаблар ва шароитларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда бартараф этиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва назариётчи олимлар билан биргаликда тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устувор, унинг манфаатлари қадрланаётган бир пайтда жазо беришда унинг тақдирига озгина бепарволик ҳам инсонни келгуси ҳаётини ҳал этилажагини унутмаслигимиз даркор.

Суд экспертиза фаолиятидаги хатолар тўғрисида гап борганда қуйидаги таърифни эслатиб ўтиш мумкин: «эксперт хатолари – бу асл воқеликка, ҳақиқатга тўғри келмайдиган якуний (асосий ва оралик) хулосалар, шунингдек, экспертиза тадқиқотларини акс эттирувчи ҳаракатлар ва мулоҳазалар, тасаввурлар, нотўғри тушунчаларидир»[2].

“Суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги хатолар, – деб таъкидлайди Н.И.Клименко ўзининг “Экспертные ошибки и их причины” деб номланган асарида, – бу экспертнинг беихтиёр адашишидир, аммо, эксперт томонидан суд экспертизаларни ўтказиш методикасини атайлабдан бузиш ҳам хато бўлади”[3].

Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, фикримизча, суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги эксперт хатолари умумий тарзда экспертнинг объектив воқеликка мос келмайдиган ёки нотўғри, экспертиза тадқиқотлари мақсадига эришишга олиб келмайдиган фикрлаши ёки ҳаракати (агар унинг



фикрлаши ёки нотўғри ҳаракатлари беихтиёр адашиш натижаси бўлса) деб ҳисоблаш мумкин.

Хатоларни жиноятдан, эҳтиётсизлик оқибатларидан ёки ўз вазифасига совуққонлик билан қараш каби ҳолатлардан фарқи биргина «била туриб» деган ибора билан ифодаланиши мумкин: экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, терговчининг била туриб айбсиз одамни жиноий жавобгарликка жалб этиши ва шу каби ҳолатлар хатога йўл қўйиш натижасида юз бермайди. Хатолар субъект ўзининг ҳаракатлари ва фикрлари тўғри деб ишонганда, нотўғри эканлигини билмаганда вужудга келади. Адашиш мантиқан воқеликни бир томонлама идрок этишдир. Аммо Н.И.Клименконинг фикрича, “жиноятчиликка қарши курашишдаги адашишни биргина хатога йўл қўйган шахснинг шахсий иши деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки бу адашиш жиноятни исбот қилишнинг барча жараёнига таъсир қилади ҳамда у ёки бу аҳамиятга эга бўлади” [4].

Агар хатоларнинг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, уларни фикрлашдаги хатоларга ва ҳаракатларни бажаришдаги хатоларга ажратиш мумкин.

Фикрлашдаги хатолар (Р.С.Белкин бундай хатоларни гносеологик хатолар деб атайди) мантиқий ва фактик хатоларга бўлинади [5].

Мантиқий (гносеологик) хатолар – бу мантиқий усуллар ва операцияларни нотўғри қўллаш, шунингдек мантиқий қонун – қоидалар бўйича фикрлашнинг бузилишлари билан боғлиқ хатолар.

Фактик хатолар – бу объектив борлиқдаги мавжуд нарсалар

ўртасидаги боғлиқликни бузилган ҳолда тасвур қилиш. Экспертиза фаолиятида бундай хатоларга экспертиза олдида қўйилган вазифаларга нисбатан «нейтрал» бўлган белгилардан экспертиза хулосасини асослаш мақсадида асосланмаган тарзда фойдаланиш киради. Масалан, бармоқ изларини қолдирган шахсни аниқлаш учун асос бўладиган белгилар мажмуига ушбу бармоқ изларини қолдирган шахсни характерлайдиган белгилар ҳам қўшиб юборилади.

Ҳаракатларни бажаришдаги (операцион) хатолар – ушбу ҳаракат субъектининг экспертиза тадқиқотларида бажарадиган иш-фаолияти жараёнидаги хатолар. Бу хатолар ушбу ҳаракатларни бажариш методикасидан четлашиш, ўрнатилган қоидалар ёки уларнинг тартибини бузиш, ушбу фаолият ёки ҳаракат учун мўлжалланган воситалардан нотўғри фойдаланиш ва шу кабиларда намоён бўлади.

Суд экспертларини ўтказиш жараёнидаги хатоларнинг объектив ва субъектив сабаблари. Суд экспертларини ўтказиш жараёнидаги хатолар объектив сабаблар ва субъектив сабаблардан иборат бўлади.

Объектив сабабларга экспертиза тадқиқотларининг субъекти бўлган экспертга тегишли бўлмаган сабаблар, *субъектив сабабларга* эса экспертнинг фикрлаши ёки ҳаракатларига боғлиқ бўлган сабаблар киради. Криминалистикага оид адабиётларда: “хатоларнинг сабабларини бу тарзда бўлиши шартли табиатга эга, чунки субъектив хатоларнинг ўзи объектив асосга эга бўлади” [6], деб таъкидланади.



Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу аслида тўғри бўлган иборадан нотўғри, яъни қуйидаги хулосани чиқармаслик керак: суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги эксперт хатолари унинг хатога йўл қуйишига олиб келадиган, экспертиза тадқиқотлари ва якуний хулосани шакллантириш жараёнини қийинлаштирувчи объектив шароитлар билан ҳамда экспертнинг йўл қуйиши мумкин бўлган хатоларини ҳақиқатга айлантириб юборадиган субъектив шароитлар билан ифодаланади[7].

Шу боис, фикримизча, қуйидагилар суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги хатоларнинг объектив сабаблари бўлади:

- берилган турдаги объектларни тадқиқот этиш учун илмий асосланган методиканинг йўқлиги;
 - қўлланилаётган экспертиза методикасининг етарли даражада такомиллашмаганлиги;
 - хато тарзда тавсия этилган методикалардан фойдаланиш;
 - белгиларнинг идентификацион ёки диагностик аҳамиятини ифодаловчи маълумотларнинг йўқлиги, ёки уларни изларда акс этишининг барқарорлик даражаси етарли эмаслиги;
 - носоз ёки аниқлик даражаси етарли бўлмаган техник-криминалистик воситалардан фойдаланиш;
 - тадқиқотлар моҳиятига мос келмайдиган математик моделлар ёки компьютер дастурларидан фойдаланиш.
- Суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги хатоларнинг субъектив сабаблари:*
- айрим масалаларни ҳал этиш учун ўзи билимга эга бўлмаган соҳа бўйича ҳаракат қилаётган эксперт касбий

маҳоратининг пастлиги (таъкидлаш жоизки, экспертнинг ваколати доираси ҳар бир соҳага боғлиқ равишда ҳилма-хилдир, шу боис, у ўз ваколати доирасидан чиқиб кетганлигини билмай қолиши мумкин);

- эксперт шахсининг касбий деформацияси, ўтказилаётган тадқиқотларнинг юзакилиги, методик тавсияларга амал қилмаслик ва ҳоказо;
 - экспертнинг сезги органларидаги нуқсонлар ва унинг руҳий ҳолати бузилганлиги (стресс, жамоадаги зиддиятлар, чарчоқ ва ҳоказо);
 - эксперт шахсининг характери ва руҳий табиатига мос томонлари, яъни ўзига, тажрибаси ва билимларига ортиқча ишонини ёки аксинча, ўзига ишонмаслик;
 - жиноят иши материалларининг таъсири, жумладан, олдинги экспертиза хулосаси ёки олдинги шу каби экспертиза ўтказган тажрибали эксперт обрўсининг таъсири, терговчи ёки экспертиза муассасаси раҳбарининг ўзини тутиши ва ҳоказо;
 - экспертнинг асоссиз ҳолда ташаббус кўрсатиш истаги (ноанъанавий экспертиза методларидан фойдаланиш қобилияти намойиш этиш, қабул қилинадиган қарорларнинг янгилиги билан ажралиб туришга интилиш, фикрлаш ёки хулоса чиқаришга уриниш ва ҳоказо).
 - эксперт фикрлаш қобилиятининг мантиқий бузилиши.
 - экспертиза тадқиқотларини режалаштириш ва ташкил этишдаги ноўрин ўзгаришлар.
- Р.С.Белкин экспертиза жараёнидаги хатоларни сунъий интеллект нуқтаи назаридан таҳлил этиб, экспертга хос бўлган ҳамда хатолар келтириб



чиқариши мумкин бўлган икки хусусиятни ажратиб кўрсатган. Биринчи турга экспертларнинг инсон сифатидаги хусуситлари кирган, иккинчи турга эса реал, «ноидеал» экспертнинг хусусиятлари киритилган. «Натижада биринчи гуруҳдаги хусусиятлар асосан табиий равишда объектив хатоларни келтириб чиқарса, иккинчи гуруҳдаги хусусиятлар табиий бўлган субъектив хатоларни келтириб чиқаради»[5].

Ушбу фикрларда «эксперт» тушунчаси кенг маънода талқин этилади ва муаллифларнинг хато ва эътиборсизликлар орасидаги фарқларни таҳлил этишни мақсад қилиб қўймаганлигини эътироф этиш керак.

Суд экспертизаларни ўтказишдаги хатоларни аниқлаш учун ушбу турдаги экспертиза ва тадқиқотларни тайинлаш ва ўтказишнинг умумий методикаси, экспертиза тадқиқотлари жараёнини таҳлил қилиш юзасидан керакли билимга эга бўлиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ амалий фаолияти, ушбу марказ ходимларининг ушбу муаммолар бўйича фикр ва таклифлари ҳамда юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб ва умумлаштириб, қуйидагиларни таъкидламоқчимиз:

Суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги эксперт хатоларини қуйидаги ҳолатларда аниқлаш ва бартараф этиш мумкин:

– экспертиза тадқиқотларининг исталган босқичида, айниқса, якуний хулосаларни шакллантириш босқичидаги экспертиза тадқиқотларининг бориши ва

натижаларини текширишда экспертнинг ўзи томонидан;

– экспертлар комиссияси томонидан ўтказилган экспертиза тадқиқотларини таҳлил этиш ва муҳокама қилишда;

– олдинги ўтказилган экспертиза хулосаларини таҳлил этиш жараёнида;

– экспертиза муассасаси ёки бўлими томонидан ўтказилган экспертиза тадқиқотларининг бориши ва натижаларини текшириш ва таҳлил этиш вақтида;

– экспертиза хулосаларини терговчи ёки суд томонидан баҳолашда.

Бундан ташқари, экспертларнинг хатолари илмий ва амалий мақсадларда суд экспертиза муассасаларининг фаолиятини таҳлил этиш ва умумлаштириш жараёнида аниқланиши мумкин. Жиноятчиликка қарши курашда нотўғри якуний хулоса чиқарилишига сабаб бўлган ва терговчи ёки суд томонидан эътибор берилмаган хатоларга эътибор қаратиш, айниқса, катта аҳамиятга эга. Агар “бундай экспертиза хулосаси жиноят ишининг тақдирини белгилайдиган процессуал қарор чиқарилишига асос бўлса”[8], у ҳолда экспертиза муассасасининг бошлиғи аниқланган экспертнинг хатоси ва унинг аҳамияти тўғрисида, ушбу экспертизани тайинлаган орган ёки ушбу жиноят ишини кўраётган судга, ҳукм чиқарилганидан кейин эса тегишли суд инстанциясига ёки прокуратура дарҳол хабар бериши лозим. Тергов ва суд органлар томонидан йўл қўйилган хатоларни аниқлаш жараёнида албатта унинг мохиятига яъни била туриб ёки тадқиқодга тақдим этилган намуналарни етарли эмаслиги, суриштирув, тергов органлари бу намуналарни тақдим этиш имкони



бўлмаган тақдирда эксперт хулосасининг тўлиқ тадқиқ этилмаганлигига асос бўлса, экспертиза ўтказган ташкилот раҳбари ёки эксперт қўшимча талбанома юбориши, ҳамда экспертиза текширувларини тўхтатиб қўйиши лозимлиги экспертиза тўғрисидаги қонун ва низомда белгиланган. Аммо айрим ҳолларда тергов органи процессуал муддатни тугаётганлигини билдириб талаб этилаётган намуналарни тақдим этмаганлиги сабабли экспертлар хулосани ўрнига хулоса беришнинг имкони йўқ деган ваз билан маълумотнома тақдим қилади,

натигада бу ҳолат бўйича экспертиза тадқиқоди тугалланмасдан қолади ҳамда тадқиқод натижаси далилий аҳамиятини йўқотади.

Хулоса қилиб айтганда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жиддий аҳамиятга эга бўлган далилларни йиғиш, уларни исботлаш жараёнида суд экспертизаси билан ҳамкорлиги биринчи навбатда инсон ҳуқуқларини поймол этилишини олдини олишини таъминланишини, иккинчидан ҳар бир хулоса хатолардан холи бўлса унинг ишончлилиги далилларнинг мақбуллигини таъминлайди.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2021 йил 5 июлдаги, “Ўзбекистон республикасида Суд-Экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6256-сон
2. Грановский Г.Л. Природа, причины экспертных ошибок и пути их устранения. – М., 1983. – С.2.
3. Клименко Н.И. Экспертные ошибки и их причины. – Киев, 1988. – С.38.
4. Клименко Н.И. Экспертные ошибки и их причины. – Киев, 1988. – С.39.
5. Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. – М., 2001. – С.172.
6. Крестоносцев И.Ф. Экспертные ошибки при исследовании следов на месте преступления. – М., 2007. – С.146.; Разбежкин Е.П. Ошибки в судебной трасологии. – Волгоград, 2004. – С.279.; Строгов М.С. Материальная истина и судебные доказательства. – М., 2005. – С.67.
7. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш самарадорлиги: муаммо ва уларнинг ечими. Ўзбекистонда Суд-экспертизасининг долзарб муаммолари ва уларнинг илмий-инновацион ечимлари. мавзусидаги РСЭМ Илмий амалий конференция материаллари тўплами 2022.10. 27.
8. Макушкина Г.Е., Вермел И.Г., Кочнева Л.В. Понятия, причины и профилактика экспертных ошибок. – Свердловск, 1997. – С.342.; Юрченко Г.Л. Пути совершенствования современных технико-криминалистических средств. – М., 2004. – С.89.